## ШАНБА ОҚШОМИ

# ОҚБУЛОҚ ВА ҚИЗАЛОҚ

(Катталар учун эртак)

**Инсон узоқ умр кўриш, қаригач бирдан яшариб қолиш, мангу ҳаёт яратиш ҳақида қадим замонлардан орзу қилиб, табиатдан эҳсон, турфа дори-дармонлардан имкону-жон излаб келади. Шу катта умид иштиёқида турли-туман афсона-ю-асотирлар, чўпчагу-эртаклар, ҳикояту-ривоятлар, лопқофу-латифалар тўқилган. Мен бир тоғ қишлоғида бўлганимда, баҳайбат зарринранг қоя остидан қайнаб чиқиб ётган Оқбулоқ бўйида мана бу ривоятни завқланиб эшитган эдим.**

Ривоят қиладиларки, аллақайси йилнинг жазирама ёз кунлари эди. Тоғ этагидаги сўқмоқ йўлдан қадди камондек эгик саксон яшар чол ҳассасини дўқиллатиб, улкан сада томон харсиллаб борарди. Ана шу сада ўсган қоя тош тагида суви кавсар, ширинлиги шакар Оқбулоқ бўлиб, ундан ичган одам ўз-ўзидан яшариб қолаверар эди. Чол шу булоқни излай-излай тинка-мадори қуриб келди-да, булоқ бўйидаги харсангтошга ўтириб нафас ростлади: олтиндек созтупроқ заминдан қайнаб-қайнаб чиқаётган булоқ суви сатҳга ёйилиб жимир-жимири йўқолиши билан чол унда ўзининг оппоқ соқоли, бир қисм бўлиб қолган, ажин босиб кетган юз-пешонасини кўриб узоқ умр машаққатлари шу кўйга солганига афсус-надоматлар қилди-ю, томирлари бўртиб турган қўлларини ҳовучлаб булоқ сувидан симирди.

Ё алҳазар, чол сувни ичиши билан юраги депсиндида, аъзо-бадани ғалати бўлиб бир сесканди, шу пайт сувга қараган эди, юз-пешоналаридаги ажинлар анча текис тортиб, эллик ёшдаги киши ҳолатига кириб қолганини кўрди.

—Эй табиат, ҳунар-аъмолингга қойилман!— деб юборди чол ҳаяжонланиб, кейин яна бир ҳовуч булоқ сувидан ичган эди, ўттиз яшар йигит бўлиб қолди. У жимирлаб қайнаб чиқаётган булоқнинг оқ-кумушранг сувига тикиларкан хитоб қилди:

— Шунчалар шифобахш, шунчалар қудратлимисан, Оқбулоқ! —Чол ўттиз яшар қирчиллама йигит бўлиб қолганига қувониб кетганидан, бундан ҳам яшариш учун яна булоқ сувидан ҳовучини тўлдириб ичди, сўнг сув сатҳидаги ўз аксига қараб, ой кўрса— уяладиган, қуёш кўрса —ёниб-куядиган, ҳусну жамолда тенги йўқ ўн саккиз яшар йигитчани кўрди, ўзини қўйгани жой тополмай, кучга тўлганидан кўкка сакрарди.

—Чинакам яшариб кетдим, —дер эди завқ-шавқ билан у, —ана энди кампиримнинг олдига бориб, Оқбулоқнинг сирини айтаман!...

Йигит булоқ бўйига кексаликда таяниб юрган ҳассасини ташлаб, қишлоғига жийрон тойдек гижинглаб югуриб кетди. Ҳовлисига етиб келиб, бурни ерга теккудек мункайиб юрган кампирни кўрди-ю, даст кўтариб олди:

—Жоним кампирим, момиғим!—деди у меҳр билан бағрига босаркан. —Сен менинг қаймоғим, асалимсан!..

Кампир нотаниш «йигит»нинг забардаст бағрида типирчиларкан, косовдек қўллари билан унинг бош-бошига тарақлатиб урар, қарғар эди:

— Ҳой, йигит, қўйвор!.. Эсингни едингми, жинни?.. Мен бувинг тенги кампирман-ку, нега қаймоғинг бўларканман?.. Ҳозир чолим келсин, айтаман, каллангни сапчадек узиб ташлайди, қўйвор!..

Йигит уни ерга оҳиста қўйгунча кампир чайир қўллари билан йигитнинг юзу-бўйинларини тирнаб, қонталаш қилиб ташлади.

— Ҳай кампир, —деб куларди йигит ўзини тутолмай, — ахир бу нима қилганинг?..

— Хўш, нима қилганим?.. Куйдирган калладек нега тиржаясан?.. Бировнинг кампирига нега хиёнат қилаяпсан?.. Саксон йил яшаб чолимдан бошқага кўз сузмаганману, энди сенинг қаймоғинг бўламанми, ер ютгур!..

—Бунақа демагин, хотинжон...

— Вой тилинг кесилгур, мен бир чолнинг жуфти ҳалол кампири нега сенга хотинжон бўларканман?..

— Хотинимсан, кампиржон, исминг Нодиражон, —деди йигит вазмин кулиб, —мен сенинг эрингман, Қодиржонман, сенга айтгандим-ку, Боботоғ этагида одамни яшартирадиган булоқ бўларкан деб... Ўша булоқни излаб-излаб топдим, сувидан ичдим, яшариб келяпман, қарагин, наҳотки мени танимаяпсан?..

Кампир йигитга ўсмоқчилаб узоқ тикилдида, унинг юз духти, ўткир нигоҳидан таниб, тиши йўқ оғзини лалайтириб кулди:

—Вой, ўлмасам, Қодиржон чолим сизмисиз? —деди мулойим сузилиб кампир. — Йигитча бўлсангиз ҳам овозингиз билан ҳидингиз ўзингизга ўхшаб турганди, шунинг учун экан-да, бағрингизда ғалатироқ бўлиб кетувдим-а...

Қодир йигит жилмайиб, кампирига Оқбулоқнинг сир-асрорини, у ерга қандай боришни гапириб берди:

— Донишмандларнинг айтишича, —деди у кампирига, —Оқбулоқнинг бўйига фақат якка-якка бориш керак, булоқ сувидан бир киши ичганда, иккинчи бир киши кўрмаслиги керак экан... Сен булоқ бўйига ўзинг бориб, ихлос-эътиқод билан сувидан ичгин-да, яшариб қайтиб кел...

Қодир йигит булоқнинг сир-синоатини кампирига тайинлаб, уни Оқбулоққа кузатиб қўйди. Кампир ҳассасини дўқиллатиб тоғ томон равона бўлди.

...Шу куни оқшом тушди, хуфтон ҳам бўлди, тун яримлади, тонг отди, қуёш тиккага келди, лекин яшариш учун булоқдан сув ичгани кетган кампир қайтиб келмади. Ундан хавотир олган Қодир йигит: «Кампиримни йиртқич ҳайвонлар тилка-пора қилиб ташлаган бўлса-я», деган қўрқинч хаёл билан йўлга чиқиб, Оқбулоққа учиб етиб келди. Бундай қараса, оқ-кумушранг булоқ бўйида бир қизалоқ катта рўдапо кўйлак ичида ўралиб, чинқириб йиғлаб ётибди. Қодиржон қизалоққа синчиклаб тикилиб, ўз кампири Нодиражон эканини сурма тортилган кўз-киприклари, ингичка лаблари, чарос кўзларидан таниди.

— Ҳа, нега қизалоқ бўлиб қолдинг, —деб бақирди Қодиржон йигит ғазаб билан кампирига, —булоқ сувидан шунча ҳам кўп ичасанми, нафсингни тийсанг бўлмасмиди?..

Қизалоқ чинқириб йиғлаб, бирдан тилга кирди:

—Булоқ сувидан яна ичиринг, энди чақалоқ бўлгим келяпти... Ичиринг, бўлмаса уйга бормайман!..

— Жинни бўлма! —деди Қодир йигит хуноб бўлиб. —Шу туришингда ҳам сени бўйга етишингни неча йил кутишим керак, ахир?

—Вой-дод, ичиринг деяпман! — чинқирди қизалоқ оёқчаларини типирлатиб. — Агар ичирмасангиз ҳозир ўзимни булоққа ташлайман!..

Қизалоқ сочларини патила-патила ёйиб, жаҳл билан юмалаётган эди, бирдан Оқбулоқнинг суви тўлқин уриб, ундан шундай садо келди:

—Эй бандаларим! Икки жон тепамда турганда, бирортангиз сувимга тегсангиз, танангиздаги сеҳримни тортиб оламан!..

Қизалоқ Нодиражон бу нидога қулоқ ҳам солмай сувга юмалаб тушган эди, булоқ вулқон каби осмонга тўлқин урди-ю, Қодир йигитга тегиб уни чолга айлантириб қўйди, қизалоқ Нодиражон эса сув ўртасида кампир ҳолатига қайтиб, бурни ерга теккудек эгилиб, қалтираб турарди.

—Бадфеъллик қилдинг, кампиржон!—деди чол овози хириллаб афсус-надомат билан.— Оқбулоқнинг қаҳрига учрадик, энди унга якка-якка келганда ҳам ҳеч кимни яшартирмайди... Тақдир аччиқ, ювиб бўлмайди, энди сувдан чиқ... Ҳайронман, қизалоқ бўлганинг ҳам етарди-ку, чақалоқ бўлишгача яшаришга бало бормиди?!..

Начора, чол билан кампир булоқ бўйидаги кексалик ҳассаларини қайта қўлга олиб, қишлоққа томон мункиллаб йўл олишди. Узоқдаги сада остида Оқбулоқ улар ортидан кулгандек ярқираб жилва қилар эди. Чол ҳовлига яқинлашишганда орқада титраб-қақшаб келаётган кампирига тегизиб киноя билан деди:

«—Бояги-бояги, бой хўжанинг таёғи, юр кампиржон, илдам-илдам юра қол қаймоғим!»

Тўлқин РАСУЛЕЕ.



Бир кунлик саёҳат

# БИЛЛУР ШАРШАРАЛАР

**Пойтахт областимиз тоғ сойлари фақат жўшқинлиги билангина эмас, балки турли катталикдаги шаршаралари билан ҳам саёҳатчиларни мафтун этади. Тоғ ёнбағридан қайнаб чиққан зилол сувли булоқлар ҳам сой ўзанига турли баландликдан узун сочдек буралиб тушиб, ажиб манзарани ҳосил қилади.**

Шаршаралар Бўстонлиқнинг оҳактошдан иборат дарё водийларида кўплаб учрайди. Чунки, мазкур тоғ жинсларининг асрлар давомида аста-секин эриши туфайли ер ости бўшлиқлари, яъни кўзга кўринмас сув омборлари вужудга келган. Уларни ёғин сувлари ёриқлар орқали сув билан таъминлаб туради. Шунга кўра серёғин йиллари шаршаралар суви янада кўпаяди. Баъзан маҳаллий аҳоли сойларни шаршаралисой деб ҳам аташади. Бунга мисол қилиб Нанай қишлоғи яқинидаги Обнарсой (тожикчада Шаршаралисой)ни кўрсатиш мумкин.

Бир кунлик сафарга чиқувчилар учун булоқлардан сув ичувчи Полвонак қишлоғидаги қўш шаршаралар айниқса қулайдир. Улардан бири Полвонакка кираверишда Пискомга ўз сувини ҳадя қилувчи Қўрғонсойни безаб туради. Сой водийсидаги қоялар тик бўлиб, бамисоли ўтиб бўлмас қўрғонларни эслатади. Бу ердаги оҳактошли қоядан қайнаб чиқувчи серсув булоқлар ғаройиб манзарали қўш шаршарани ҳосил қилган. Шовиллаб тушаётган шалоланинг сув ёмғирлари остида юқорига завқланиб қарар экансиз, ўнг томондаги шаршаранинг 30 метрли, чапдагисининг эса 40 метрли тик қоядан тушаётганлигини ва иккаласининг суви қўшилиб, бир қоянинг ўзида учинчи 10 метрли шаршарани ҳосил қилганлигини кўрасиз.

Иккинчи шаршара эса Қўрғонсой билан сув айирғич қисми туташиб кетган Полвонаксойдаги баландлиги 30 метрли шаршарадир (расмга қаранг). Полвонакни икки томондан чегаралаб турувчи сойларни биллур шаршаралар сув билан таъминлаб, атрофга оби-ҳаёт ҳам улашади.

Пискомнинг чап соҳилидаги Муллала қишлоғининг мафтункор манзарасига сукланиб қарар экансиз, унинг тепасидаги «Ойнатош» ҳам силлиқ қояси билан эътиборингизни тортади. Бу гулшанга Сижжак, Қорабулоқ оралаб, замонавий асфальт йўл орқали боришингиз мумкин.

Исмоил ОТАЖОНОВ,
СССР география жамиятининг ҳақиқий аъзоси.
Автор фотоси.

# Ибн Сино бисотидан

⊙ Кўпинча қуёш сафардагиларнинг мияларига зарар қилади, шунинг учун улар бошларини қуёшдан яхши бекитишга ҳаракат қилишлари керак.

⊙ Иссиқдаги сафардан зарарланганларнинг кўпи совуқ сувда сузиш ва чўмилиш билан ўз ҳолига қайтади. Лекин совуқ сувда чўмилишга шошилмаслиги, балки озгина сабр қилиб, кейин аста-секин чўмилмоғи керак.

⊙ Кийим-кечаклар оёқ ва қўл қимирламайдиган даражада тор бўлиши тўғри эмас, чунки органнинг қимирлаб туриши — ундан совуқни қайтарувчи сабабларнинг биридир. Қисилган органга совуқ қаттиқ таъсир қилади.

⊙ Тери атрофидаги намликни кўпроқ қуритадиган қумлар денгиз қумларидир. Баъзан у иссиқ бўлса унда ўтирадилар, баъзан ўзларини унга кўмадилар.

Жамият ва қонун

# ГРАЖДАНЛИК БУРЧИ

**Инсоний бурчнинг ранг-баранг кўринишлари, хилма-хил қирралари бор. Шулардан бири ва энг асосийси гражданлик бурчидир. Маълумки, киши шахсини, гражданлигини кўрсатувчи ҳужжат паспортдир. Бизнинг мамлакатимизда паспорт системаси гражданлар учун энг қулай ва прогрессив усулда ташкил этилган. СССР Министрлар Советининг 1974 йил 28 август қарори билан тасдиқланган СССРда паспорт системаси тўғрисидаги Низомда шундай дейилган: «Паспортнинг амалда бўлиш муддати чегараланмайди. Гражданлар 25 ёшга ва 45 ёшга тўлганларида ички ишлар органлари паспортларнинг ичига тегишли ёшидаги фотосуратларни ёпиштириб қўядилар. Шундай фоторасмлари бўлмаган паспортлар ҳақиқий деб ҳисобланмайди».**

**Аниқ ва равшан гаплар! Ҳар биримиз ён чўнтакка солиб, кўксимизда кўтариб юрадиган паспортнинг сўнгги варақасида ана шу сўзлар битилган. Паспорт олган кунимиз унинг «Ўроқ ва Болға»ли зарҳал гербига, қип-қизил муқовасига фахр билан тикиламиз. Аммо паспорт юритиш қонун-қоидаларига ҳамиша ҳам қатъий риоя қилмаймиз.**

**Паспорт бизга ҳар куни, ҳар соатда лозим бўлади: командировка, банк операциялари, меҳмонхона, ишга жойлашиш, мулк ва меросга эгалик ва ҳоказолар. Афсуски, масъулиятсизлик оқибатида баъзи кишилар ҳам ўзларини, ҳам хизматдаги ўртоқларни ташвишга солиб қўядилар. Бу нарса, айниқса, паспортлардаги фоторасмлар масаласида кўпроқ намоён бўлмоқда.**

**Айтайлик, сиз узоқ шаҳарга дам олишга ёки иш билан сафарга отландингиз. Авиакассадан ўзингизга мақбул соатда учиш учун билет ҳам олдингиз. Уй ичи билан, дўстлар билан хайр-хўшлашиб, аэропортга йўл оласиз. Самолётга чиқиш олдидан билет ва паспортни текшириш маҳалида сизни трапдан пастга туширишади:**

**— Гражданин, паспортингиз ҳақиқий эмас.**

**Сиз аввалига ҳайрон бўласиз.**

**— Ўртоқ, паспорт меники, ўзимники.**

**— Ўзингизники бўлса бордир. Аммо паспорт бўлимига учрашиб, фотосуратни янгилашингиз шарт.**

**Вассалом. Сизнинг сафарингиз «қариди». Паспортнинг сўнгги варақасини очиб, ўқийсиз: «...Гражданлар 25 ёшга ва 45 ёшга тўлганларида ички ишлар органлари паспортларнинг ичига тегишли ёшдаги фотосуратларни ёпиштириб қўядилар. Шундай фотосуратлари бўлмаган паспортлар ҳақиқий деб ҳисобланмайди».**

**Афсус билан бош чайқайсиз: «Атиги бир ҳафта ўтибман 45 ёшдан...» Фикрлаб олгач, тушунасиз: бир ҳафта тугул бир кун ҳам тегишли ёшдан ўтилган бўлса, паспорт қонуний кучини йўқотади.**

**Бундай нохуш воқеалар фақат авиабилет ва самолётга учиш пайтларидагина эмас, балки турмушнинг кўпгина зарур ҳолатларида ҳам учрамоқда. Бунга мисоллар кўп. Айтайлик: партия, комсомол, касаба союз ҳужжатларини, диплом, меҳнат дафтарчаси, никоҳ қайдлари ва туғилиш гувоҳномаларини расмийлаштиришда, уй-жой, квартира ҳужжатларини тўғрилашда, давлат нафақаларини тайинлашда, касаллик бюллетенларини очдиришда, ишонч қоғозлари беришда, мол-мулк ва мерос қолдиришда, кредит ва банк операциялари ўтказишда 25 ёки 45 ёшдаги фотосуратлари ўз вақтида ёпиштирилмаган паспортлар ҳақиқий деб топилмайди. Натижада, паспорт эгалари кўп вақтларини ўз хатоларини тузатишга сарфлашга мажбур бўлмоқдалар.**

**Яна бир ҳолатни эслатиб ўтиш лозим. Бу — ёшларга, айниқса ёш келин-куёвларга тегишли. Никоҳ қайд этилаётганида, кўпгина қайлиқлар куёв бўлмишнинг фамилиясига ўтиш хоҳишини билдиришади. Бу — яхши, албатта. Аммо никоҳ қайд этилиб, тўйлар бўлиб ўтгач, орадан қатор ойлар ўтса ҳамки, келин бўлмиш ўзининг янги фамилиясини расмийлаштириш ҳақида ўйлаб кўрмайди. Гоҳо бу нарса фарзанд кўргунга қадар давом этади. Фарзанд туғилгач, югур-югур бошланади. Ёш бола билан бу ишларни амалга ошириш ҳам онага, ҳам отага, ҳам гўдакка қийинчилик туғдиради.**

**Айтиб ўтиш лозимки, бу борада маҳалла комитетларининг алоҳида муҳим роли бор. Маҳалла комитетлари ўз йиғилишларида бу ҳақда эслатиб, справкалар ёзиб беришда паспортга 25 ёки 45 ёшдаги фотосуратлар ёпиштирилганлигига эътибор беришлари керак. Улар фотосуратлари янгиланмаган паспорт эгаларини тегишли ички ишлар органининг паспорт столига йўллашлари шарт. Бу ишлар Собир Раҳимов районининг кўпгина маҳаллаларида яхши ташкил этилган. Уларга Мевазор, Ойбек, Янги Тошкент маҳаллаларини киритиш мумкин. Аммо айрим маҳалла ва турар-жойлардан фойдаланиш идоралари — ЖЭКларда бунга яхши эътибор берилмаяпти. Масалан Пахта, Пуштиҳаммом маҳаллалари, 81, 93-ЖЭУларда ана шундай аҳволни учратиш мумкин.**

**Паспорт — ҳар бир совет кишисининг гражданлигини белгилайдиган, ҳаётда ҳар бир қадамда. зарур бўлган муҳим ҳужжатдир. Бу ҳужжатни қонунда белгиланганидай сақлаш ва юритиш ҳар бир совет гражданининг муқаддас бурчидир. Бу бурчга масъулият билан ёндашмоқ керак. Шундагина ишимиз олға босиб, ташвишлар камаяди, айрим тушунмовчилик ва кўнгилсиз оқибатлар барҳам топади. Ўзининг гражданлик бурчига масъулият билан қараган барча кишилар буюк шоиримиз В. В. Маяковский айтганидек: «Кўринг, ҳавас қилинг — гражданиман, мен улуғ Советлар мамлакатининг!» дея фахр билан баралла айтаолади.**

М. УМАРАЛИЕВА,
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район ички ишлар бўлими паспорт бўлинмаси бошлиғининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти.

А. АМИНОВ,
СССР Журналистлар союзи аъзоси.

# ФОЙДАЛИ УЧРАШУВ

Яқинда Юнусобод массивининг 16-квартали даги 76-уй-жойлардан фойдаланиш участкасининг ташаббуси билан массив аҳолисининг Тошкент шаҳар прокуратураси умумий назорат бўлимнинг прокурори В. В. Семеченко, Тошкент шаҳар прокуратурасининг алоҳида ишлар бўйича терговчиси А. Ю. Архиповлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув эркин суҳбат тарзида ўтказилди. Бунда В. В. Семеченко вояга етмаганларнинг тарбияси, тарбияси қийин болалар билан иш олиб бориш ва уни ташкил қилиш, болалар ва ўсмирлар тарбиясига салбий таъсир қилувчи кўринишлар ва ичкиликбозликка қарши кураш каби масалаларни жонли мисоллар билан сўзлаб берди. Шунингдек, А. Ю. Архипов ҳам вояга етмаганларнинг қонун бузиш ҳоллари, уларга қарши қўлланиладиган чора-тадбирлар, болалар ва катталарнинг ўзаро алоқалари, гиёҳвандликка қарши кураш чоралари ҳақида суҳбат ўтказди. Учрашув қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Ўзбекистон ССР давлат агросаноат комитети ўқув методик кабинетининг редактори.**

Ҳукм ўқилганидан сўнг

# Тунги «сайёҳ»лар

Баъзи оилаларда ота-оналар эртадан кечгача ишда бўлишади. Фарзандларининг бўш пайтларини қандай ўтказаётганликлари билан камдан кам қизиқишади. Лоқайдлик оқибати эса кўпинча ёмон натижаларга олиб келади. Шу сабабли тартиб, интизом бузилади, ҳатто кутилмаган жиноят содир бўлиши мумкин.

А. Костенко Ҳамза районидаги 23-уйда истиқомат қилади. Уни Киров район ички ишлар бўлими ходимлари ножўя иш устида ушлашди. Вояга етмаганлиги учун огоҳлантириб, қўйиб юборишди.

Алексей 8-синфни битиргач 4-трестнинг 38-қурилиш бошқармасида бетончи бўлиб ишга жойлашди. Афсуски, кўнгли ҳавойи бўлиб ўсган ўсмир бу жойдаям ёлчитиб ишламади. Хоҳласа ишга борди, хоҳламаса йўқ. Ҳатто ўз уйи бўлатуриб қаёқлардадир тунаб қоларди. Очиқроғи кундузи ухлаб, тунда «саёҳат»га чиқарди. Оилада назоратсиз қолган болалар эса унинг учун «ўлжа»дек эди. Бу сафар у 41-ўрта ҳунар-техника билим юрти талабаси 16 ёшли А. Котеневни илинтирди. Улар ваъдага мувофиқ тунги соат 01 дан 30 минут ўтганида Юнусободнинг 11-кварталидаги «Аленушка» магазини олдида учрашишди. Кейин 25-уй олдида турган Е 60—69 ТН номерли ГАЗ-24 автомашинасидан нархи 100 сўмлик иккита фарани ўғирлашди. Лекин бу ўлжа оздек туюлди. Яна икки соат саёҳат қилиб юришиб, 9-кварталдаги 3-уй ёнида турган В 51—20 СМ номерли ВАЗ-2106 автомашина ойнасини синдириб, ичкарига киришди. А. Костенко 157 сўму 80 тийинлик 22 дона магнитофон кассетасини, А. Котенев эса умумий нархи 215 сўмлик иккита магнитоэлектроника колонкасини ўмариб ғойиб бўлишди

Мазахўрак бўлиб қолган А. Костенко бу гал В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси токари, вояга етмаган Ю. Тимошенкони тунги «сайр»га таклиф қилди ва улар автомашина ичидан ФЭД-3 фотоаппарати билан подшипникларни ўмаришди.

11-ўрта ҳунар-техника билим юрти талабаси, Височовольтний массивидаги 128-а уйда истиқомат қилувчи А. Бажин ҳам «тунги саёҳат» ҳаваскорларидан чиқиб қолди. У тунги соат 3 да Черемен кўчасидаги В. Тяпкинга тегишли гараж қулфини бузиб эски мотоцикл эҳтиёт қисмлари ва «Турист» велосипедини ўғирлаб кетди. Лекин кўп ўтмай Киров район ички ишлар бўлимининг ҳушёр ходимлари «тунги сайёҳ»ларнинг саёҳатига нуқта қўйишди.

Яқинда қонунбузарларнинг жиноий иши Киров район халқ суди томонидан кўриб чиқилди ва уларга тегишли жазо берилди. Бироқ мустақил ҳаёт бўсағасида турган ўспиринларнинг эртаси нима бўлади? Уларнинг кўзини очиб қўядиган, фойдали меҳнат билан шуғулланишга даъват этиши лозим бўлган ота-оналар, ҳунар-техника билим юрти ва Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари юқоридаги фактларни қандай изоҳлаб беришаркин?!

Х. МЎЙДИНОВ,
милиция сержанти.



УМР ҚАДРИ

Т. КАРИМОВ фотоси.

# Болалар сўзлаганда

ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

Аллома бобосига аквариумда сузаётган бир балиқни кўрсатиб:

— Анави чиройли балиқчанинг оти нима? — деб сўради.

— Отини билмайман, — дея жавоб қилди бобоси.

— Манави қизилини-чи?

— Унисиниям билмайман,— деди бобоси.

— Вой, сизнинг бобонгиз ҳайвонот боғига олиб бормаганмилар? — ҳайрон бўлиб сўради Аллома.

ГИЛОС

Вазира хола боққа кирса, набиралари бу йил нишона қилган қип-қизил гилосдан олишаётган экан.

— Тўғрисини айтинг, нечтадан гилос узиб едингиз? — деб сўради.

— Атиги учтадан олдик, — деди Анвар.

— Данаги қани?

— Мана, — дея Анвар оёғи остидан учта данакни олиб кўрсатди.

— Сеники-чи?

— Меники йўқ, мен бувим билиб қолмасинлар деб данаги билан ютиб юборгандим,— деди Акмал йиғламсираб.

АТИР СОВУН

Буви набирасининг қўлини совунлаб ювиб қўймоқчи бўлиб қараса, жойида йўқ.

— Вой, ола қарға атир совунни олиб қочибди-ку, — деди Ҳадича хола.

— Буви, ола қарға ҳам қўлини совунлаб ювадими? — деб сўради ҳайратланиб набираси.

ТУШ КЎРИШ

Беш яшар Зуҳра кўрган тушни эслаб бувисига айтиб берар эди.

— Яхши туш кўрибсан, — дея эркалади бувиси.

— Буви, сиз ҳам шунақа туш лар кўрасизми? — деб сўради Зуҳра.

— Йўқ, бувим туш кўрмайдилар, — дея гапга аралашди жим турган Ҳасан.

— Нега кўрмайдилар?

— Чунки улар ухлашга ётганларида кўзойнакни тақмай ётадилар-да!

Собит ҒАФУРОВ.

Турфа олам

ҚУЛАЁТГАН МИНОРА

**Свердловск яқинидаги кичкинагина Невьянск район марказида Уралнинг XVIII асрига мансуб қадимий Невьянск минорасининг таъмирлаш ишлари бошланди. Бу ерда бўлсангиз минора ҳақидаги турли достон ва қизиқ-қизиқ воқеаларни эшитишингиз мумкин. Айтишларича, минорани саноатчи Демидов Пизедаги қулаётган минорага ўхшатиб қурдирганди. Бироқ, Невьянскдаги минора қуламаяпти. Бир томонга қия бўлиб турибди, холос.**

**Қизиғи шундаки, миноранинг нариги бурчагидан туриб айтган гапингизни бошқа бурчакда турган киши бемалол эшитади.**

«ҚИЗИЛ КАРТОЧКА» ЎРНИДА

**Франциянинг Бетюн (Па-декане департаменти) шаҳар суди машҳур футболчи Дидье Сенакани икки ойлик (у икки ҳафтасини темир панжара ортида ўтказишга мажбур) қамоқ муддати ва йирик миқдордаги пул жаримасига маҳкум этди. Футболчи Франция олий лигасидаги «Ланс» клуби шарафини ҳимоя қилади.**



Франс Пресс агентлигининг хабарига кўра, Сенака бир қанча жанжаллар туфайли жазоланди. Бу воқеалар **футбол майдонида эмас, балки кўчада содир бўлган. Бир ярим йил аввал у «футболчи»ни йўл қоидасини бузганликда айблаган ҳайдовчини дўппослаган. Бир неча кундан сўнг Сенака мушти билан урган ҳайдовчининг қариндоши олдида ўзини оқлашга уринди. У: «Мени халқ олдида ҳақоратлади», — деб айтди. Ниҳоят 1986 йилнинг октябрида бир врач машинаси олдида турли акробатик «усуллар» қила туриб, уни уриб накаут қилган. Судда Сенака: «У мени бензоколонкада қувиб етди. — Менга қандайдир хавф келаётганини сездим ва зарб билан уни урдим...»**

ДАВОЛОВЧИ БАЛИҚЛАР

**Туркияда 200 йилдан буён тери касалликларини даволовчи ғалати терапия мавжуд. Кангалдаги сув билан даволовчи шифохонада сув ҳавзаларида аквариумдагига ўхшаш майда балиқлар яшашади. Сувга тушган кишига бир онда балиқлар ёпишади**



**ва бадандаги турли яраларнинг устки қисмидаги қолдиқларини сўриб, ундан тозалашади.**

**Шифохона сув ҳавзаларида даволовчи балиқларнинг уч насли яшайди. Уларнинг ҳар қайсиси бир-бирига халал бермай ўз вазифаларини бажаришади. Соғлом кишиларга нисбатан уларда ҳеч қандай қизиқиш бўлмайди.**

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

